

Жорий таъмирлашга оид ШАРТНОМА №107330-121

Самарканд шаҳар

«28» июн 2022 йил

Шартнома тузилган жой

“Samarqand omad kommunalchi” МЧЖ кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи С.Махмудов номидан, бир томондан ва Самарканд шаҳар мактабгача таълим булими кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбар С.Номиров номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича “Бажарувчи” “Буюртмачи”га Бинони жорий таъмирлаш (кейинги ўринларда - “Ишлар” деб юритилади) ишларини бажариш, “Буюртмачи” ушбу “Ишлар”ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. “Ишлар”нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни қўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

№	Ишнинг номи	Бошланғич нархи	Шартноманинг умумий қиймати (битим суммаси)
1	121-МТТ биносини жорий таъмирлаш	413 167 067,0	400 000 000,0
	Жами	413 167 067,0	400 000 000,0

1.2. Шартноманинг умумий суммаси 400 000 000,0 (Тўрт юз миллион) сўмни ташкил қилади

1.3. Ишни бошлаш ва топшириш муддати: Бошланиши: “28” июнда 2022 йил, тугаши: “01” октябр 2022 й.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. “Бажарувчи”дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. “Бажарувчи” дан “Ишлар” “Буюртмачи” нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. “Бажарувчи”дан мазкур шартномага мувофиқ, бажариладиган «Ишлар» ни нуқсон далолатномасига мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган “Ишлар” қўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган “Ишлар” қўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган “Ишлар” шунга ўхшаш “Ишлар” билан алмаштирилишини;

- “Ишлар”нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар “Буюртмачи” ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қоплашини “Бажарувчи”дан талаб қилиш.

2.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

2.2.1 Ўз буюртманомаси бўйича қўрсатилган “Ишлар”ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Қўрсатилган “Ишлар” учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ қўрсатилган “Ишлар”ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қоплашини “Буюртмачи”дан талаб қилиш.

2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. “Буюртмачи”га “Ишлар”ни мазкур шартномага мувофиқ ёки “Буюртмачи” томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда қўрсатиш;

2.4.2. Агар “Ишлар”ни бажариш жараёнида “Бажарувчи” шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, “Буюртмачи”нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 10 кун муддатда текин таъмирлаб бериш.

III. ШАРТНОМАНИНГ

БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 400 000 000,0 (Тўрт юз миллион) сўмни ташкил этади. Бажариладиган “Ишлар”нинг баҳоси мазкур шартномага иловада қўрсатилган.

3.2. Қўрсатилган “Ишлар” учун пул қўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

3.3. “Буюртмачи” мазкур контрактни Ҳазначиликда рўйхатга олинган қундан бошлаб 10 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ контракт умумий суммасидан 30% миқдорда олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзолангандан сўнг 10 банк иш куни ичида қабул қилиш далолатномаси, ҳисоб-фактура в.б. асосида тўлайди.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Ишлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.5. Назарда тутилган ҳажмдан ортикча бир номда "Ишлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Ишлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Ишлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Ишлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Бажарилган "Ишлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада бажарилган "Ишлар" ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган "Ишлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Бажарилаётган "Ишлар" сифати, ҳажми "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" бажарилаётган "Ишлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

5.2. Агар бажарилган "Ишлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Ишлар" қийматининг 20 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

5.3. "Ишлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Ишлар"нинг 25 фоизи миқдориди жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Ишлар" бажарилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Ишлар бажариш кечиктирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган "Ишлар" қийматининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Ишлар" бажариш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Бажарилган "Ишлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак.

5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг ҳагги-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам қўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарқ «Ишлар» бажарувчи томонидан қопланади

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага қўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини қўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил «28» июндан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар, улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

VIII. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

8.2 Шартнома тарафлар томонидан имзоланган кундан сунг қонуний кучга киради.

IX. Коррупцияга қарши талаблар.

9.1.Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яни улар, уларнинг ходимлари, қафилланган шахслар, бенифициялари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини қафолаётлади.

9.2.Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузулганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатини олган томон 10 (ун) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

9.3.Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар баратараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

9.4.Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш қонунчиликда кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятлари ни бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига ҳақли эмас.

Х. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартнома томонларнинг қелишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

10.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

10.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

10.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

ХИ. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Буюртмачи

Етказиб берувчи

Ташкилот номи: “Samarqand omad kommunalchi”
МЧЖ

Манзил: Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар

Саттепо маскани 18 А уй

Телефон: -7-915-48-88

СТИР коди: 206 606 517

ОКОНХ:

X/P : 20208000304517995001

Банк номи: АТИБ «Ипотека банк» Самарқан

вилоят филиали

МФО: 00312

Раҳбар: 
М.Ў. ОМАД (имзо)

С.Махмудов

Ф.И.Ш

Ташкилот номи: Самарқанд шаҳар мактабгача
таълим бўлими

Манзил: Беруний кучаси 91-уй

Тел.:

СТИРкоди: 207267131

шхр: 401722860184017091100251001

Ҳазначилик бўлинмаси номи: Самарқанд шаҳри
бўйича Ҳазначилик бўлинмаси

Ягона Ҳазначилик ҳисобварақлари (ЯҒҲ):

23402000300100001010

Банк номи:Марказий банк Тошкент шаҳар Бош
бошқармаси ҲҚҚМ

МФО :00014

Ҳазначилик бўлинмаси ИНН рақами:201122919

Раҳбар: 
М.Ў. (имзо)

С.Номиров

Ф.И.Ш





“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Самарқанд шаҳар мактабгача
таълим бўлими мудири

С.Номиров

«___» июн 2022 йил

Самарқанд шаҳар МТБга қарашли 121-МТТ биносини жорий таъмирлаш
бўйича танлов ўтказиш бўйича комиссия йиғилиши
БАЁНИ

Самарқанд шаҳри

«27» июн 2022 й

Раислик қилувчи

Ж.Норбеков

Иштирок этган комиссия аъзолари:

Х.Наврўзов

Комиссия аъзоси, Бош ҳисобчи ўринбосари

А.Холбеков

Комиссия аъзоси, Хўжалик мудири

С.Эргашев

Комиссия аъзоси, Давлат харидлари ва
шартномалар гуруҳи раҳбари

У.Умаров

Комиссия аъзоси, Давлат ва нодавлат мактабгача
таълим ташкилотлари фаолиятини ҳамда
ўқитишнинг муқобил шакллари ташкил этиш
шуъба мудири

С.Юнусов

Комиссия аъзоси, Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисоби
бўйича гуруҳ раҳбари

КУН ТАРТИБИ:

Самарқанд шаҳар МТБга қарашли 121-МТТ биносини жорий
таъмирлаш ишлари бўйича

(Ж.Норбеков, Х.Наврўзов, А.Холбеков, С.Эргашев, У.Умаров, С.Юнусов)

Мактабгача таълим бўлими томонидан 2022 йил 06 июнда Ўзбекистон
Республикаси Товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига Самарқанд
шаҳар МТБга қарашли 121-ДМТТ биносини жорий таъмирлаш бўйича
22110012107330-лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот
бўйича 2022 йил 23 июндаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини
ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали
шакланган “Самарқанд шаҳар МТБга қарашли 121-ДМТТ биносини жорий
таъмирлаш баённомасига асосан эълон якунига кўра комиссия аъзолари
томонидан “Самарқанд омад коммуналчи” МЧЖ ғолиб деб топилганлигини
инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Давлат харидлари ва шартномалар гуруҳи раҳбари С.Эргашев:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 15 июндаги электрон баённомасига асосан "Самарқанд омад коммуналчи" МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. Махсус таъмирлаш-эксплуатация хизмати бошлиги Ж.Норбековга хизмат кўрсатиш сифат даражасини назорат қилинсин.

Комиссия раиси:



Ж.Норбеков




Х.Наврўзов



А.Холбеков



С.Эргашев



У.Умаров

С.Юнусов



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
SAMARQAND VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI
SAMARQAND SHAHAR YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI**

170800, Samarqand shahar, Kurchatov ko'chasi, 9-uy, tel.: (998 66) 233 34 37,
el.pochta: Samarqandyumarkazi@mail.ru

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

“Samarqand omad kommunalchi” MChJ keyingi o'rinlarda “Bajaruvchi” deb yuritiladi. O'zining Nizomi asosida ish yurituvchi S.Maxmudov nomidan, bir tomondan va Samarqand shahar maktabgacha ta'lim bo'limi keyingi o'rinlarda “Buyurtmachi” deb yuritiladi, o'zining Nizomi asosida ish yurituvchi rahbar S.Nomirov nomidan, ikkinchi tomondan birgalikda “Tomonlar” deb ataladi, joriy tamirlash shartnomasini tuzish to'g'risida.

Samarqand shahar maktabgacha ta'lim bo'limi hamda “Samarqand omad kommunalchi” MChJ keyingi o'rinlarda “Bajaruvchi” deb yuritiladi. O'zining Nizomi asosida ish yurituvchi S.Maxmudov bilan 28.06.2022-yil tuzilgan №107330-121 -son Shartnomaning umumiy so'mmasi 400 000 000,0 (To'rt yuz million) so'mni tashkil qiladi.

Shartnoma O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi va “Xo'jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi” to'g'risidagi qonuni hamda “Davlat xaridlari to'g'risida” gi qonun talablariga muvofiq tayyorlangan.

Samarqand shahar maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 28.06.2022-yil tizimga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Samarqand shahar
Yuridik xizmat ko'rsatish
Markazi Bosh yuriskonsulti**



2022-yil 28-iyun

U.Xudayqulov